

## **РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

**Мирсалихова Гузал Алаутдиновна**

*ИИБ Академияси Тезкор қидирув фаолияти кафедраси  
катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга қарши курашишни тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва унинг амалий ижроси ҳамда ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган илгор методлар ва уларнинг ижобий натижалари юзасидан фикрлар билдирилган. Ушбу фикрлар асосида Республикамизда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга қарши курашиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, жиноятчилик, қонунчилик, жиноятлар профилактикаси, илгор методлар, тажриба, жиноятчилик даражаси.

## **РЕГУЛИРОВАНИЕ БОРЬБЫ ПРОТИВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СОВЕРШАЕМОЙ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ, В РАЗВИТЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ**

**Аннотация.** В данной статье высказываются мнения относительно правовых норм, регулирующих борьбу с преступлениями, совершенными несовершеннолетними, в развитых зарубежных странах и их практической реализации, а также передовых методов, внедряемых компетентными органами, и их положительных результатов. На основе этих мнений внесены предложения и рекомендации по борьбе с преступлениями, совершенными несовершеннолетними в нашей республике.

**Ключевые слова:** несовершеннолетние, преступление, законодательство, профилактика преступлений, передовые методы, опыт, уровень преступности.

## **REGULATION OF THE FIGHT AGAINST CRIME COMMITTED BY MINORS IN DEVELOPED FOREIGN COUNTRIES**

**Annotation.** This article expresses opinions on the legal norms governing the fight against crimes committed by minors in developed foreign

*countries and their practical implementation, as well as advanced methods implemented by the competent authorities, and their positive results. Based on these opinions, proposals and recommendations have been made to combat crimes committed by minors in our republic.*

**Key words:** *minors, crime, legislation, crime prevention, best practices, experience, crime rate.*

Маълумки ҳар бир давлатнинг ривожланиши, келгуси тараққиёт жараёни унинг келажаги бўлган ёш авлодга бўлаётган муносабатида, уларга берилаётган таълим ва тарбияда, ўз имкониятларини тўла очиб беришлари учун берилаётган эътибор ва муносабатларда намоён бўлади. Шу сабабли, бутунги кунда Республикамизда айни шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳар томонлама таҳсинга сазовор дейиш мумкин. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаси бўлиши ва шу орқали ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, бутунги кунда давлат раҳбарининг эътиборида турган асосий масалалардан бири эканлигини, Президентнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида “Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат”лиги бўйича билдирган фикрларида кўришиб турибди.

Ёшларни ўтиш даврида банд қилиш, уларга ҳаётда ўзлари учун муносиб ўрин эгаллашлари учун имкониятлар яратиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига қарши курашиш, профилактик таъсир-чораларини амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор ютуқларга эришилмоқда.

Аммо ҳар бир жамиятда тарбиясида нуқсонга эга, ёки бошқа салбий хусусиятга эга ташқи таъсирлар натижасида ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган ва шу сабаб ўзи билиб, билмай жиноят оламига тушиб қолаётган ёшларнинг ҳам борлиги ҳали бу борада соҳа вакиллари олдида амалга оширилиши лозим бўлган яна бир қатор вазифалар борлигини кўрсатиб бермоқда.

Шу боис вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган ривожланган мамлакатларнинг қонунчилик таҳлилини ҳамда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда ўзига хос усул ва

воситалардан кенг фойдаланилиш таҳлилини амалга ошириш, бошқарув ва тартибга солиш механизми тўғри келадиган илғор тажриба ва усулларни давлатимизда жинойтчиликка қарши курашиш йўналишига жорий этиш асосий вазифалардан бири бўлиб турибди. Шу сабабли мазкур мақолада айрим ривожланган хорижий давлатларнинг вояга етмаганлар жинойтчилигини олдини олиш бўйича илғор тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш мақсад қилинди.

Вояга етмаганлар жинойтчилигининг олдини олишда Америка Қўшма Штатларининг тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, чунки у ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга давлат ҳисобланади. Мазкур давлатда вояга етмаганлар жинойтчилигининг олдини олишга қаратилган ўзига хос норматив база шакллантирилган бўлиб, бу борада АҚШнинг “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси ва судлови тўғрисида”ги[1]. қонунини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйламиз чунки АҚШда вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлашга оид қонунларнинг кодификация қилинганлиги бу борадаги масалага давлатнинг аниқ позицияси мавжудлигини яққол кўрсатади. Хусусан, Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги федерал кодексда[2]. вояга етмаганлар томонидан содир этилган жинойт ва ҳуқуқбузарликларни суд тартибида ҳал этиш механизмлари белгилаб қўйилган.

А.Б.Гусейновнинг таъкидлашича АҚШнинг Флорида штати ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ишлаб чиқилган ва кўпгина давлат ва хусусий мактабларда жорий қилинган юридик таълим дастури диққатга сазовордир. 7-8-синф ўқувчилари учун мўлжалланган ушбу дастурнинг мақсади — вояга етмаганларни жамиятдаги мавжуд кадриятлар тизими, жинойт ҳуқуқи асослари ва фуқаронинг бурчлари билан таништириш, шунингдек, ҳуқуқбузарларни нима қутаётгани ҳақида ғояларни шакллантиришдан иборат[3].

АҚШнинг юқори урбанизациялашган шаҳарлари қаторида учинчи ўринни эгалловчи Виржиния-Бич шаҳрида полиция департаменти асосий эътиборни вояга етмаганлар жинойтчилигининг олдини олиш, болалар ва ўсмирлар билан ишлаш муаммосига қаратади. Ёш авлодни тарбиялашга бўлган эътибор учта махсус ишлаб чиқилган дастурда ўзининг аксини топган. Улардан биринчиси бошланғич мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ўқув курси бўлиб, унда болалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан, шунингдек, шахсий ва коллектив хавфсизликни таъминлаш чоралари билан таништирилади. Курс 4-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ўзида қонун ва жинойтчилик, яшаш жойининг хавфсизлиги, маиший ўғирликлар, вандализм ва

шахсий хавфсизлик мавзуларини ўз ичига олган. Курс охирида ўтилган мавзуларнинг ўзлаштирилганлиги текширилади ва барча болаларга махсус гувоҳнома ва кўкрак нишонлари тақдим этилади. Ўқув курси 45 дақиқадан давом этадиган 6 машғулотдан иборат. Машғулотлар 3 ҳафта давомида педагогик маҳоратга эга бўлган полиция ходимлари томонидан олиб борилади. Полиция ходимлари дарс машғулотларида албатта хизмат кийимида бўлишлари шарт. Бу, албатта ижобий ахлоқий-руҳий таъсир кўрсатишга муҳим шароит яратади. Чунки, айнан бошланғич синф ўқувчиларида ноодатий равишда таъсирчанликнинг юқорилиги ва мустақил бўлишга интилиш кузатилади. Ўқув материали ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб тузилган бўлиб, ўқитиш жараёнида ўйинлардан ва қисқа метражли фильмлардан кенг фойдаланилади. Дастур яратувчиларининг фикрича, болани ёшлигидан бошлаб ижтимоий ходисаларни тўғри тушунтириш орқали тарбиялаш, полицияга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш ҳамда эҳтимолий ва хавфли вазиятлардан ўзини сақлашни ўргатиш зарур. Таъкидлаб ўтиладики, курсни ўтаган болада келгусида жиноятчи ёки жабранувчи бўлиш имкониятлари камаяди[4].

АҚШда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг учта модели ташкил қилинган:

- 1) жамоат ташкилотларининг модели;
- 2) индивид хавфсизлиги модели;
- 3) атроф-муҳит орқали таъсир кўрсатиш модели.

Жиноятларнинг олдини олиш дастури федерал ва маҳаллий даражада амалга оширилади. Айрим штатларда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг иштироки талончилик жинояти сонини 30 фоизга камайишига ёрдам берган. Тезкор-профилактик аҳамиятдаги маълумотларни етказганлик учун мукофотлаш усулидан фойдаланилади[5].

Шунингдек, Германияда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича полиция тажрибасини ҳам намуна сифатида келтириш мумкин. Германияда вояга етмаганларнинг жиноятчилигига қарши кураш стратегияси қуйидаги қоидалар асосига қурилган:

- ўсмирларнинг қонунга хилоф ҳаракатларни содир этишга берилувчанлиги шахс шаклланиш жараёни тугалланганидан сўнг жуда кўп вазиятларда бирор-бир ташқи таъсирларсиз йўқолади;
- давлат органлари томонидан қўлланиладиган жазо чоралари кўплаб салбий оқибатларга олиб келади.

Шунингдек бошқа европа давлатлари полиция хизматларининг тажрибаси ҳам қизиқарли. 1971 йилда Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги барча полиция раҳбарларига топшириқ бериб, унда полиция

бошқармаларида жамоатчиликни жалб қилиш бўйича бўлим (бўлинма)лар ташкил этишни тавсия қилган.

Бундай бўлим (бўлинма)лар штати полиция кучларининг 2 фоизини ташкил этиши белгиланган. Полициянинг бошқа хизматларида ташкил этилаётган бу бўлим (бўлинма)ларнинг умумий вазифаларига қуйидагилар киритилган:

– болаларнинг тарбияси ва ҳулки устидан назорат қилиш мақсадида ота-оналар ва жамоатчиликни жалб қилиш бўйича ҳаракат қилиш;

– квартирани ижарага олганлар, черков ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ёшлар билан алоқа ўрнатиш;

– мактабларда суҳбатлар ўтказиш;

– полициянинг вазифалари, функциялари ва фаолияти ҳақида вояга етмаганлар ва бошқа аҳоли вакиллари билан тушунтириш ишларини олиб бориш;

– полиция ишига ёшларни жалб қилган ҳолда полиция кадрларини саралаб бориш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун жамоатчиликни ва вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда —махсус полиция кучларининг ишини яхшилаб бориш.

Буюк Британияда криминал хавфсизликнинг минимал стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолини полиция билан ҳамкорликка жалб қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда (патрулик қилиш, жиноят кўпроқ бўлган туманларда навбатчилик ва бошқ.) [6].

Францияда “Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги конун (2007 й.) билан болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилганда тезкорлик билан давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш лозим эканлиги белгиланган. Ушбу маълумотларни била туриб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаган шахслар 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши ёки 45 минг евро миқдориде жаримага солиниши мумкин[7]. Бундан ташқари, Францияда бир қатор аёллар ёки вояга етмаганлар мурожаат қилиши мумкин бўлган марказлар мавжуд бўлиб, уларга мурожаат қилиш учун “3919-ишонч телефони”га қўнғироқ қилиш амалиёти мавжуд. Агарда, оиладаги ҳолат шуни талаб қилса, зўравонлик қурбонига ташкил этилган уйларга бориб яшаш таклиф қилинади[8].

Европа Иттифоқи давлатларида жиноятларнинг олдини олишнинг иккита даражаси ажратилади: ижтимоий ва вазиятли. Ижтимоий олдини олиш жиноятчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи салбий шароитларни ўзгартиришга қаратилган. Ҳар қандай жиноий ҳаракатлар муайян бир ҳолатда, вақтда ва жойда содир этилади. Вазиятнинг ўзи маълум бир жиноят турларини ривожлантиради ва содир этилишига туртки беради. Масалан, кинотеатр ва кўнғил ёзиш

маскалари олдидаги кўча жанглари, боғ, хиёбонлардаги номусга тегиш ва ҳ.к. Бундай тушунча жиноятларни бартараф қилиш ва олдини олиш тушунчаларига тўғри келади[9].

Японияда 1980 йилдан полиция бош бошқармаси таркибига кирувчи

7 та вояга етмаганлар ишлари бўйича марказлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу каби ўхшаш марказлар жойларда ҳам тузилган бўлиб, полиция органлари томонидан раҳбарлик қилинади. Бундан ташқари, 1978 йилда шаҳарларда, аҳоли пунктларида ва қишлоқларда вояга етмаганлар ишлари бўйича 548 та марказ ташкил этилган[10].

РФнинг “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими асослари тўғрисида”ги қонуни (1999 й) талабларига кўра, мактаб ички ҳисобида турувчи ёки “хавфли гуруҳ (“группы риска”)”га кирувчи болалар билан: ўқув йилининг бошида синфларни ижтимоий паспортлаштириш (ўқувчиларнинг маълумотлар базасини яратиш, ҳар қандай ҳисобга олинган болаларнинг рўйхатини тузиш, синф раҳбар ва педагог-психологлар томонидан уларнинг шахсий ва оилавий муаммоларини ўрганишга қаратилган педагогик диагностика ишлари) олиб борилади; ўқувчиларнинг кунлик давоматини аниқлаш, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларга нисбатан кўрилаётган чоралар, шунингдек профилактик таъсир натижалари қайд этиб бориладиган кузатув кундалиги юритилади; ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ўсмирларни аниқлаб, уларнинг мактабдан ташқари бўлган фаолияти бошқарилади (турли тўғарак ва машғулотларга жалб этилади); давоматни таъминлаш ва ўқув жараёнини самарали назорат қилиш мақсадида мактаб маъмурияти ва синф раҳбарлар иштирокида ўқувчиларнинг яшаш жойларида рейдлар амалга оширилади; мактабларда профилактик кенгашлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар фанларни ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келаётган ва ўзини тутишида муаммолар бор ўқувчилар (уларнинг ота-оналари) билан индивидуал ва гуруҳий суҳбатлар олиб борилади; маҳаллий полиция вакиллари иштирокида “Мактаб – қонун ҳудуди”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”, “Ҳуқуқ нима?”, “Сиз ўз ҳуқуқларингизни биласизми?” каби мавзуларда тарғибот ишлари амалга оширилади[11].

Бу каби дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўз хусусиятига кўра барча мамлакатлар амалиётида ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм” аппарат-дастурий комплекси ишга туширилади.

Шунингдек, Туркия Статистика Институтининг (ТУİK) маълумотларига кўра, ҳар йили ўртача 75 минг нафар вояга етмаганлар жиноий фаолиятга жалб қилинган. Туркияда охириги йилларда жиноят улуши ортган, лекин бу борада энг хавотирлиси болалар томонидан содир этилган жиноятлар сонининг ортгани. Ўртача 75 мингга яқин бола жиноят содир этган бўлса, уларнинг 15 минг нафари Эгей ва ўрта ер денгизи минтақаларида истиқомат қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Туркияда ҳар ой 6300 нафар бола жиноят содир этади. Ҳар куни 210 нафар бола жиноий фаолиятга жалб қилинади. Туркиянинг ғарбий, ривожланган ҳудудларида бу кўрсаткич янада юқори. Бундан ташқари, олинган маълумотларга кўра, жиноят содир этган вояга етмаганларнинг сони таълим даражасига боғлиқ: у қанчалик юқори бўлса, жиноят содир этиш эҳтимоли шунчалик паст бўлади.

Тадқиқотларга кўра, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар мактабларида таҳсил олаётган ўсмирларнинг жиноий фаолиятга қўл уриш эҳтимоли пастроқ даражадаги таълим муассасаларига қатнайдиган болаларга қараганда камроқ[12].

Ўтган йилнинг ўзида жиноят содир этган болалар ва ўсмирлар сони 14,5 фоизга ошди. Туркия Статистика Институтининг (ТуркСтат) ҳисоботида кўра, 2013-йилда ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилган вояга етмаганлар сони ўтган йилга нисбатан 14,5 фоизга ошиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўлига тушган болаларнинг умумий сони 273 минг 571 нафарга етди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам ўрганилаётган масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Буни сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижаси ҳам яққол тасдиқлайди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларида ишлайдиган психолог-педагоглар мактабини яратиш, олий ўқув юртларида психолог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш борасидаги вазифаларнинг белгиланганлиги[13] бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, педагог-психолог кадрларни тайёрлаш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида 2.503 нафар, халқ таълими тизимида 14.272 нафар педагог-психолог кадрлар фаолият олиб бормоқда.

Республиканинг 10 та олий таълим муассасасида «Психология», 19 та олий таълим муассасасида «Педагогика ва психология» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 5.717 нафар талаба таҳсил

олмоқда. 2017 йилдан бошлаб профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакилларининг таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш тизими йўлга қўйилиб, 5.696 та умумий ўрта таълим муассасасида профилактика инспекторлари, 5.328 та умумий ўрта таълим муассасасида эса маҳалла вакилларининг хоналари ташкил этилди.

Республикамизда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш чораларини белгилашда, жиноят содир этилганидан сўнг уни очиш билан боғлиқ чора тadbарларни амалга оширишдан кўра, бундай жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган вазифалар самарадорлигига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Айниқса бутунги кунда ёшлар тарбиясида ҳар томонлама катта ўринга эга бўлган ижтимоий тармоқлар, ахборот коммуникацион технологиялари орқали уларнинг онги ва тафаккурига таъсир этиш масаланинг самарали ечимларидан бири деб ҳисоблаймиз. Айни шу йўналишда А.А. Таштемиров ўз фикрларини қуйидагича баён этган, “фукароларда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолмаслик юзасидан профилактик-огоҳлантирув тadbирларини олиб боришда блогер ва ижтимоий тармоқларда кенг аудиториясига эга бўлган шахсларни кўпроқ жалб қилиш” [14] керак.

Олиб борилаётган ишлар кўламига қарамасдан соҳада зудлик билан бартараф этилиши талаб этиладиган қуйидаги бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

*биринчиси*, таълим тизимининг барча босқичларида вояга етмаганларнинг психологик ҳолати диагностикасига ихтисослашган психолог кадрлар ҳамда ташкилотлар мавжуд бўлсада, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни амалга оширадиган ягона тузилманинг мавжуд эмаслиги психологик хизматлар фаолияти самарадорлигининг паст даражада қолишига сабаб бўлмоқда;

*иккинчиси*, таълим муассасаларида профилактика инспекторлари ва маҳалла вакилларининг хизмат хоналари ташкил этилган бўлса-да, уларнинг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишлари ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмлари белгилаб берилмаган; учинчиси, аҳолига психологик хизмат кўрсатиш етарлича йўлга қўйилмаганлиги оқибатида жамиятда ижтимоий-психологик, жумладан оилавий муаммолар (ажримлар, оиладаги низолар, ота-она ва фарзанд муносабатлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ), «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларига тобелик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари давом этмоқда.

Аҳолига, айниқса, вояга етмаганларга, уларнинг ота-оналарига сифатли психологик хизмат кўрсатиш, психологик хизмат фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш, таълим муассасалари билан профилактика инспекторлари ва жамоат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, психология мактабини ривожлантириш ва олий таълимда тор ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш, психологик марказлар ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадида таълимнинг барча босқичларида психологик хизмат кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқаришни амалга оширадиган Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш республика маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 майдаги 472-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида психологик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасида узлуксиз таълим тизимида психологик хизматларнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун «Психологик хизмат» концепциясини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш борасидаги муҳим масаланинг белгилаб берилганлиги вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этишга имкон яратади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, вояга етмаганлар жиноятчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишга доир ривожланган хорижий давлатлар тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари: биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқлигида; иккинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларининг кодификация қилинганлигида; учинчидан, «вояга етмаганлар ҳуқуқи («ювенальное право»)» нинг мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида эътироф этилганлигида; тўртинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш даражасини ошириш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича одил судлов тизимининг жорий этилганлигида намоён бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act of 2002 // [Электрон манба]: <https://www.ojjdp.gov/about/ojjdpact2002.html> (мурожаат вақти: 12.11.2019 й.).

2. Federal juvenile delinquency code // [Электрон манба]: <https://www.justice.gov/jm/criminal-resource-manual-117-federal-juvenile-delinquency-code> (мурожаат вақти: 08.06.2019 й.).

3. Интернет манба: УДК 343 Г-96. Гусейнов А.Б. Соискатель кафедры криминологии Краснадарского унв.МВД РФ. Тел: (928)836-79-99. Публикация «Профилактика прованарешений несовершеннолетних за рубежом».

4. Гусейнов А.Б. Профилактика правонарушений несовершеннолетних за рубежом // Теория и практика общественного развития, 2010. №3. – С. 186

5. Воронин Ю.А. Предупреждение преступности в зарубежных странах // Вестник Челябинского государственного университета, 2012. № 27 (281). – С. 88.

6. Тайлакова М.М. Виктимологическая профилактика преступлений в РК и за рубежом. <https://sibac.info/conf/law/xiii/28321>

7. Астанов И. Оиладаги зўравонликнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий тажриба // Оилалардаги зўравонликларнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хориж тажриба: республика илмий-амалий конференцияси матермаллари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. - Б. 51.

8. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси – Т., 2019. – Б. 100.

9. Асяева В.М. Особенности предупреждения преступлений в зарубежных странах // NovaInfo.Ru, 2013. 18. – С.2.

10. Бакаев А.А., Остапенко Н.И. Система профилактики правонарушений несовершеннолетних. – М., 2003. – С. 136–137

11. Федеральный закон от 24 июня 1999 г. N 120-ФЗ «Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних» (с изменениями и дополнениями) // [Электрон манба]: <http://base.garant.ru/12116087/> (мурожаат вақти: 05.09.2019).

12. <https://mk-turkey.ru/life/2013/01/08/75-tys-detej-prestupnaya-deyatelnost.html>.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 472-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 09/19/472/3253-сон.

14. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.